



ОДИЛ СУДЛОВ ТИЗИМИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР ИНСОН ХУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ МЕЗОНИ

Азбергенова Мунира Чаржаувна

ҚДУ талабаси

muniraazbergenova5@gmail.com

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.10441143>

ARTICLE INFO

Received: 21th December 2023

Accepted: 28th December 2023

Online: 29th December 2023

KEY WORDS

Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонун устуворлиги, ижтимоий адолат, одил судлов, тафтиш, суд.

ABSTRACT

Ушбу мақолада мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ҳамда суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳатларнинг инсон, жамият, давлат ҳайотида тутган ўрни, суд тизимида тафтиш инстанциясининг жорий этилиши ва бу ўзгаришларнинг одил судловни амалга оширишда тутган ўрни ҳақида, шунингдек тафтиш институтининг тарихи ҳамда чет давлатлар қонунчилигидаги тажрибалари атрофлича таҳлил қилинган.

Сўнги йилларда юртимизда қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқларини ва эркинликларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилишнинг қонунчилик ва ташкилий-ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш демократик ислоҳотларнинг бош мезонига айланиб бормоқда. Бу эса давлатимизда охириги йилларда суд-ҳуқуқ соҳасида кенг кўламли ишлар амалга оширилишига имкон яратмоқда, натижада олиб борилган ушбу ислоҳотлар суд ҳокимиятини мустаҳкамлашга ҳамда судлар фаолиятида очиқлик ва шаффоқликни таъминлашга, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилмоқда.

Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев томонидан ҳам инсон манфаати олий қадрият эканлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда адолат ва фақат адолат бўлиши лозимлигини таъкидлаб, қабул қилинган фармон ва қарорларнинг барчаси халқимизнинг фаровонлиги, осойишталигини таъминлашга, фуқароларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хурмати кучайишига ўзининг ижобий таъсирини курсатмоқда. Шунингдек, мамлакатимизда қонун устуворлигини, ижтимоий адолатни, фуқаролар тинчлиги ва тотувлигини таъминлаш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқариш ва жамиятда адолатни қарор топтириш мақсадида кейинги йилларда суд-ҳуқуқ соҳасини тубдан ислоҳ этишга доир кенг кўламли ташкилий-ҳуқуқий тадбирлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги ПФ-60-сон Фармони билан тасдиқланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг 14-мақсадида қонун устуворлиги ва конституциявий қонунийликни таъминлаш ҳамда



инсон қадрини ушбу жараённинг бош мезони сифатида белгилашга қаратилган вазифалар белгиланган. Мазкур соҳадаги энг устувор вазифа сифатида - жиноят, жиноят-процессуал ва жиноят ижроия қонунчилигини такомиллаштириш сиёсатини изчил давом эттириш, жиний жазолар ва уларни ижро этиш тизимига инсонпарварлик тамойилини кенг жорий этишдан иборат эканлиги белгилаб олинди [1]. Ушбу стратегияда белгиланган вазифаларга мувофиқ, шунингдек, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш ва одил судлов сифатини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 январдаги «Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-11-сон Фармони қабул қилинди. Мазкур Фармон билан суд-ҳуқуқ тизимининг жадал ислоҳ қилинишини таъминлаш, аҳолининг одил судловга эришиш даражасини янада ошириш мақсадида 2023 – 2026 йилларга мўлжалланган суд тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишнинг қисқа муддатли стратегияси тасдиқланди. Жумладан, Фармоннинг инсон қадрини улуғлашга қаратилган қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган 3-бобида - жиноят, жиноят-процессуал ва жиноят ижроия қонунчилигини инсонпарварлик тамойиллари асосида такомиллаштириш сиёсатини изчил давом эттириш. «Хабас корпус» институтини янада ривожлантириш орқали тергов устидан суд назоратини кучайтириш орқали халқнинг, шу жумладан, тадбиркорларнинг суд тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш, ҳар бир шахс суд ва судьялар сиймосида ўзининг ишончли ҳимоячисини кўришига эришиш устувор вазифа қилиб белгиланди [2].

Эътиборли жиҳати шундаки, биринчи инстанция судлари томонидан биринчи инстанцияда кўрилган ишларни вилоят ва унга тенглаштирилган судларда апелляция ёки кассация тартибида қайта кўриб чиқиш, вилоят ва унга тенглаштирилган судлар томонидан апелляция ёки кассация тартибида кўрилган ишларни эса мазкур судларда тафтиш тартибида қайта кўриб чиқиш ҳамда вилоят ва унга тенглаштирилган судлар томонидан тафтиш тартибида кўрилган ишларни Олий суднинг судлов ҳайъатларида тафтиш тартибида қайта кўриб чиқилиши белгиланмоқда.

Сабаби, маълумотларга қараганда, 2020 йилда Олий суд томонидан 1291 та иш кўриб чиқилган бўлса, 2021 йилда бу кўрсаткич 7 560 тани ташкил қилган. 2022 йилнинг биринчи ярмида эса бу кўрсаткич 3 441 тага етган [3]. Бу рақамлар болса ўз навбатида Олий судда кўриладиган ва бундан кейин ҳам кўриладиган ишлар сони бир неча баробар ошишини кўрсатмоқда. Бу эса Олий судда иш ҳажми кескин ошишига, судьяларнинг иш сифатига салбий таъсир кўрсатишига, энг ачинарлиси фуқаролар олис ҳудудлардан ортиқча вақт ва харажат сарфлаб, Олий судга келишга мажбур бўлаётгани ҳамда айрим ҳолларда ишларни кўриш муддатлари бузилишига сабаб бўлмоқда.

Шу боис Президент томонидан 2023 йилдаги 27 сентябрдаги «Суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги [ЎРҚ-869](#)-сон Қонун имзоланди. Унга кўра, Жиноят-процессуал кодексига қонуний кучга кирмаган суд қарорларини шикоят (протест) асосида апелляция тартибида, қонуний кучга кирган суд



қарорларини кассация тартибида, апелляция ёки кассация тартибида кўрилган суд қарорларини тафтиш тартибида қайта кўришга, шунингдек қонуний кучга кирган суд қарорларини кассация тартибида кўриш бўйича ваколатларни вилоят судларига ва уларга тенглаштирилган судларга ўтказишга ҳамда юқори судлар томонидан суд қарорларини бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун қуйи инстанция судларига юбориш амалиётини тугатишга доир процессуал нормаларни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда [4].

Шунингдек, Жиноят-процессуал кодекси ишларни тафтиш тартибида қайта кўриб чиқишни белгиловчи боб билан тўлдириляпти. Хусусан, биринчи инстанция судининг апелляция ёки кассация, тегишли тафтиш тартибида кўриб чиқилган ҳукмлари, ажримлари, шунингдек апелляция ёки кассация, тегишли тафтиш инстанция судларининг ҳукмлари, ажримлари устидан тафтиш тартибида шикоят бериш мумкин. Агар шикоятда ёки протестда маҳкумнинг аҳволи ёмонлашишига олиб келадиган ўзгаришлар ҳақидаги масала қўйилган бўлса, суднинг айблов ҳукмини ёхуд ажримини тафтиш тартибида кўриб чиқишга, шунингдек суднинг оқлов ҳукмини ёки ишни тугатиш тўғрисидаги ажримини тафтиш тартибида қайта кўриб чиқишга фақат у қонуний кучга киргандан кейин бир йил ичида йўл қўйилади.

Мазкур қонун 2024 йил 1 январдан кучга кириши белгиланган бўлиб, унинг ҳаётга татбиқ этилиши судьяларнинг масъулиятини янада оширишга, ишларнинг сифатли ва ўз вақтида кўрилишига, суд қарорларини қайта кўришда вилоят судларининг ҳамда уларга тенглаштирилган судларнинг имкониятларидан самарали фойдаланишга, фуқароларнинг шикоят қилиш ҳуқуқидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга ва норозиликларнинг олдини олишга, шунингдек ортиқча сарсонгарчиликларга йўл қўймасликка хизмат қилиши билан катта аҳамиятга эга.

Шу ўринда тафтиш институтининг тарихига назар ташлайдиган бўлсак, ушбу институт Европа давлатларининг қонунчилигида *in favorem* (мурожаат этувчининг фойдасига) деб ном берилган бўлиб, дастлаб ушбу атама Франциянинг доктринасида қайд этилиб, унда анъанавий кассация судлов ҳайъатидан фарқли равишда бошқа бўлган унинг ҳам хатоликларини тўғрилаб боровчи ва қонунчилик нормаларини бир хилда татбиқ этилишига олиб келувчи тафтиш институти жорий этилган [5].

Хусусан, ушбу тартиб дастлаб XVI асрларда Францияда жорий этилиб, 1958 йилда қабул қилиниб, ҳозирги кунда ҳам амалда бўлган Франциянинг Жиноят, Фуқаролик, Иқтисодий процессуал кодексларида ҳам акс эттирилган бўлиб, суд қарорларини қайтадан текшириш орқали мазмунан кўрилиб келинмоқда [6]. Франция давлатининг биринчи инстанция судлари томонидан кўрилган ишлар бўйича қабул қилинган қарордан норози бўлган тараф уни қайта кўриб чиқилиши учун юқори суднинг тафтиш ҳайъатига мурожаат қилиши белгиланган.

Кейинчалик, тафтиш тартибида иш кўришга ўхшаш институт 1864 йилда Германия давлатининг жинойи уставидида қайд этилган бўлиб, ушбу тартиб орқали томонлардан шикоят мавжуд бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъий назар судлар томонидан қабул қилинган барча қарорлар юқори судлар томонидан тафтишдан ўтказиб борилиб, бу институт (*Wiederaufnahme eines Verfahrens*)



яъни, «Ишни қайтадан тиклаш» деб аталган [7]. Ушбу тартибни жорий этилишига қуйи турувчи судлар томонидан ишларни кўришда мавжуд далилларга етарли даражада эътибор бермаганликлари оқибатида кўплаб шахслар ноқонуний равишда озодликдан маҳрум этилганликлари сабаб бўлган.

Юқоридагилардан хулоса қилиб, шуни айтиш мумкинки, ҳозирги кунгача миллий қонунчилигимизда суд қарорларини юқори инстанция судлари томонидан қайтадан кўриб чиқиш амалиёти турли шаклларда ўзгариб келган, аммо ўрта бўғин судлари томонидан кўрилган ишларни тафтиш тартибида қайта кўриб чиқиш мавжуд бўлмаган. Бу янги киритилган ўзгариш аввалги тартибдан фарқли ўлароқ қуйи судлар томонидан йўл кўйилган хато ёхуд камчиликларни бартараф этиш ва адолатни тиклаш билан жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

References:

1. 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон <https://lex.uz/docs/5841063> 10.02.2023 й., 06/23/21/0085-сон)
2. ОДИЛ СУДЛОВ ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 16.01.2023 йилдаги ПФ-12-сон <https://lex.uz/docs/6358913> 18.01.2023 й., 06/23/12/0034-сон)
3. Халқимизнинг одил судловга бўлган ишончи мустаҳкамланади(ми?) | O'zLiDeP (uzlidep.uz)
4. СУД ҚАРОРЛАРИНИНГ ҚОНУНИЙЛИГИ, АСОСЛИЛИГИ ВА АДОЛАТЛИЛИГИНИ ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 27.09.2023 йилдаги ЎРҚ-869-сон <https://lex.uz/docs/6619783> 27.09.2023 й., 03/23/869/0730-сон)
5. <https://www.cambridge.org/core/journals/international-and-comparative-wquarterly/article/abs/illegality-and-theconsideration-in-favorem-contractus/4CB267DBC89E9B7DE312FEE1C49DBF8E>
6. <https://www.fondation-droitcontinental.org/fr/wp-content/uploads/2014/06/51739-CJA-rtier%C3%A9.pdf>
7. https://www.gesetze-im-internet.de/englisch_vwgo/englisch_vwgo.html